

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**НЕЪМАТОВ ОЙБЕК ИСМАТУЛЛАЕВИЧ**

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ**  
**ҲИСОБИ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оғловления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of  
Philosophy) по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (Doctor of  
Philosophy) on Economical sciences**

**Неъматов Ойбек Исматуллаевич**

Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни  
такомиллаштириш ..... 3

**Неъматов Ойбек Исматуллаевич**

Совершенствование бухгалтерского учёта и аудита в негосударственных  
некоммерческих организациях ..... 27

**Nematov Oybek Ismatullaevich**

Improving accounting and auditing in nongovernmental nonprofit  
organizations ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**НЕЪМАТОВ ОЙБЕК ИСМАТУЛЛАЕВИЧ**

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ**  
**ҲИСОБИ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/297 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибрагимов Нозир Алиевич,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Меҳмонов Султонали Умаралиевич,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Дусмуратов Раджапбай Давлетбаевич,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 09 куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (246 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 08 куни тарқатилди.  
(2021 йил «24» 08 даги 39 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ф.К.Холмаматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**И.Н.Кўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларида фуқаролик жамиятининг ўзига хос инфраструктурасини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Биргина, «АҚШда 1,4 млн. дан ортиқ нотижорат ташкилотларининг иқтисодиётдаги ҳиссаси 887,3 млрд. долларга тенг бўлиб, ушбу соҳада 10 млн. дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда»<sup>1</sup>. ННТлар дунё миқёсида фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фан, маданият, санъат ва маориф фаолиятини қўллаб-қувватлаш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва бошқа кўплаб соҳаларда улкан ишларни амалга оширмоқда. Бироқ, бугунги кунда ННТлар фаолиятини молиялаштириш манбалари, маблағларнинг сарфланиши ҳисоби ва аудити етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Шу боис, ННТларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, илғор тажрибалардан фойдаланиш энг долзарб масалалар ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ННТларнинг мол-мулклари, молиялаштириш манбалари, мажбуриятлари ва хусусий капиталини тан олиш, баҳолаш, ННТлар маблағларининг устав фаолиятида кўрсатилган мақсадларда сарфланиши, молиявий ҳисоботи ва аудитни такомиллаштириш борасидаги илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида ННТлар бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришга эришилган. Жумладан, АҚШдаги FASB томонидан FAS-117 «Нотижорат ташкилотлари молиявий ҳисоботлари» стандарти ишлаб чиқилган. Лекин, соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ННТларда ҳисоб ва аудит соҳасида ягона методологик тартибни жорий қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар кенгроқ тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда «охирги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилди»<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индекси жорий қилинади ва унга кўра ҳар йил яқунлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натижадорлиги ва бошқа муҳим фаолият кўрсаткичларига асосан уларнинг рейтинги»<sup>3</sup>ни тузиш борасида вазифаларнинг қўйилиши ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисоб ва ҳисобот ишларини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди.

<sup>1</sup><https://www.learningtogive.org/resources/nonprofit-organizations-definition-and-examples>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони. <https://lex.uz/docs/5319756>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. <https://lex.uz/docs/5319756>

Мамлакатимизда ННТларда ҳисоб ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ажратилган грантлар натижадорлиги, устав капиталини соф активлар ҳисобидан шакллантириш ҳамда ННТлар рейтингини аниқлашда ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан фойдаланишни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Юқоридагиларнинг барчаси, мос равишда, ушбу долзарб мавзуда чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ННТларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит билан боғлиқ муаммоларнинг баъзи назарий, ташкилий ва методологик жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Л.В.Егорова, А.В.Бровкин, Дж.Робертсон, В.И.Подольский, А.Д.Шеремет, В.П.Суйц<sup>4</sup> ва бошқа олимлар илмий ишларида тадқиқ қилинган.

ННТларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг айрим масалалари мамлакатимиз олимларидан К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дўсмуратов, Н.А.Ибрагимов, И.Н.Исманов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, Д.К.Кудбиев, М.Б.Калонов, С.У.Меҳмонов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Н.К.Ризаев, А.Ж.Туйчиев, М.М.Тулаходжаева, И.Н.Қўзиев, К.Р.Ҳотамов, М.С.Хожиев<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

---

<sup>4</sup>Л.В.Егорова. Учет и аудит в некоммерческих организациях: теория, методология и практика. Автореферат дисс. д.э.н. Ростов-на-Дону, 2008.; А.В.Бровкин. Концепция формирования финансовой отчетности негосударственных некоммерческих организаций. Автореферат дисс. к.э.н. М.: МГУ, 2010.; Дж. Робертсон. Аудит. Перевод с англ. – М.: КППМГ, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. –356 с.; В.И.Подольский Аудит: учебник. – М.: Волтерс Клувер, 2010. – 672 с.; А.Д.Шеремет, В.П.Суйц. Аудит. Учебник. – М.: Инфра-М, 2015. – 365 с.

<sup>5</sup>К.Б.Ахмеджанов. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. Т.: 2016. 42-б.; Н.А.Ибрагимов. Информационные технологии бухгалтерского учета многоотраслевых объектов: диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.13. - Москва, 1996. - 323 с.; Р.Д.Дўсмуратов. Аудит асослари. Дарслик. –Т.: ЎМЭ, 2003, 612 б.; И.Н.Исманов. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш

Бироқ, ушбу илмий ишларнинг аксариятида ННТларда ҳисоб ва аудитнинг назарий-методологик жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар махсус мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган. Бу ҳолат мазкур мавзуда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Мамлакатни модернизациялаш ва инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризмни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ННТлар харажатларини бевосита ва билвосита харажатларга таснифлаш, харажатларни «сабаб-оқибат» мезони асосида таннарх объектларига тақсимлаш услубиётини ишлаб чиқиш;

илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш асосида ННТларда бухгалтерия баланси мазмуни, таркиби ва тузиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларида «хусусий капиталга йўналтирилган маблағлар» кўрсаткичини асослаш ҳамда хусусий капиталини доимий соф активлар ҳисобидан шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мақсадли тушумларнинг келиб тушиши ва ишлатилиши тўғрисидаги бажарилишларга оид ҳисоботни тузиш тартиби ва тақдим қилинишини асослаш ҳамда унинг шаклини тавсия этиш;

ННТларда «бажарилишлар-смета-четланишлар» яхлит тизими асосида сметалардан четланишлар аудитининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш;

---

масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2009 й.; А.А.Каримов. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 32 б.; Н.Ф.Каримов. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари: Дис. автореф. ... икт. фан. д-ри. – Т.: 2007.; М.Б.Колонов. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.: ТМИ, 2019; Д.К.Кудбиев. Проблемы анализа использования основных фондов в кооперативной торговле. Монография.-Т.: «Узбекистан», 1990.-128 с.; С.У.Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Дис...икт.фан. д-ри. -Т.: ТМИ, 2018.; М.К.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.; А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: «Иқтисод-Молия». 2019 й. -538 б.; А.Ж.Гуйчиев. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. Диссертация. и.ф.д. – Тошкент. 2011. 71-б.; М.М.Тулаходжаева Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – 176 б.; И.Н.Қўзиёв. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.; Хожиев М.С. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. и.ф.д (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2018 йил.; К.Р.Ҳотамов. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш. Монография. –Т: Молия, 2016.-168 б.

ННТларда ҳисоб ва аудитга доир Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамизда фаолият олиб бораётган ННТларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудит жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ННТларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, баҳолаш, индукция, дедукция, абстракт-мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, бухгалтерия ҳисоби, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотларида билвосита харажатларини дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларга «сабаб-оқибат» мезони асосида олиб бориш орқали ҳисоб объектининг таннархи аниқлаштирилган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз маблағлари манбаларини таркибий қисмлари бўйича акс эттириш мақсадида хусусий капитални доимий соф активлар ҳисобидан шакллантириш таклиф қилинган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари натижадорлигини баҳолаш мақсадида мақсадли тушумларнинг таркибига доир ахборотларни шакллантириш учун алоҳида 8331 - «Кириш бадаллари», 8860 - «Хайр-эҳсонлар, ёрдамлар, меҳр-мурувват ва донорлик маблағлари», 8871 -«Тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойдаси» ишчи счётларини киритиш таклиф этилган;

нодавлат нотижорат ташкилотларида «бажарилишлар-сметачетланишлар» яхлит занжири бўйича бажарилишларга оид ҳисоботларни тузиш ҳамда сметалардан четланишларини аниқлашни киритиш орқали аудитнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотларда активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлари ва харажатлари ҳамда мақсадли тушумларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобини такомиллаштириш бўйича услубий тартибларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳисоб ишларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилган;

нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботларни такомиллаштириш бўйича таклифлари ҳамда мақсадли тушумларнинг келиб тушиши ва ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботнинг янги шакли ахборот фойдаланувчиларга молиявий ҳолатни асосли баҳолаш, сифатли қарорлар қабул қилиш имкониятларини яратган;

нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини аудит қилиш услубиётининг такомиллаштирилганлиги улар фаолиятининг норматив-



ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ҳамда молиявий ҳолатининг барқорорлиги бўйича хулосаларга қилишга асос бўлиб хизмат қилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқот давомида амалга оширилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар республикамиз нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитига оид чуқур илмий тадқиқотларни амалга оширишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда, «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанларини янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан ННТлар бухгалтерия ҳисоби ва аудит усулларини асослаш, мақсадли тушумлар, харажатлар, мажбуриятлар, хусусий капитални ҳаққоний баҳолаш ва улар бўйича ҳисоботларни ишончли акс эттириш ҳамда ННТлар очиклик индексини белгилашга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нодавлат нотижорат ташкилотларида билвосита харажатларини дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларга «сабаб-оқибат» мезони асосида олиб бориш орқали ҳисоб объектининг таннархи аниқлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви томонидан ҳисоб сиёсатига жорий қилинган (Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқарувининг 2021 йил 28-апрелдаги 01/141-сон маълумотномаси). Натижада, дастурлар, лойиҳалар ва тадбирлар таннархини тўғри ҳисоблаш ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг сифатини оширишга хизмат қилган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз маблағлари манбаларини таркибий қисмлари бўйича акс эттириш мақсадида хусусий капитални доимий соф активлар ҳисобидан шакллантириш бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан ишлаб чиқилган илмий-услубий тавсиялар ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви томонидан ҳисоб сиёсатига жорий қилинган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2020 йил 2 октябрдаги 33-сон, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқарувининг 2021 йил 28-апрелдаги 01/141-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши нодавлат нотижорат ташкилотларида хусусий маблағлари манбаларига доир ахборотларни олиш имконини берган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари натижадорлигини баҳолаш мақсадида мақсадли тушумларнинг таркибига доир ахборотларни шакллантириш учун алоҳида 8331 - «Кириш бадаллари», 8860 - «Хайр-эҳсонлар, ёрдамлар, меҳр-мурувват ва донорлик маблағлари», 8871 -«Гадбиркорлик фаолиятдан олинган фойдаси» ишчи счётларини киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви томонидан ҳисоб сиёсатига жорий қилинган (Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқарувининг 2021 йил 28-апрелдаги 01/141-сон маълумотномаси). Натижада, мақсадли тушумлар фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш имконини берган;

нодавлат нотижорат ташкилотларида «бажарилишлар-смета-четланишлар» яхлит занжири бўйича бажарилишларга оид ҳисоботларни тузиш ҳамда сметалардан четланишларини аниқлашни киритиш орқали аудитнинг услубий жиҳатлари такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан ишлаб чиқилган илмий-услубий тавсиялар ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларида ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2020 йил 2 октябрдаги 33-сон ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқарувининг 2021 йил 28-апрелдаги 01/141-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши аудит хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳамда ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 9 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация натижалари 23 та илмий иш, шу жумладан битта монография, 2 та илмий-услубий тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб

берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисоб ва аудитнинг назарий ҳамда услубий масалалари**» деб номланган биринчи бобида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисоб ва аудит субъектлари сифатида тавсифи ва таснифий асослари, молиялаштириш манбалари ҳамда харажатлари ҳисобини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Республикада ННТлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 2019 йил 31 декабрь ҳолатига ННТларнинг сони 10 502 тани ташкил этиб, улар жамоат бирлашмаси, муассаса, жамоат фонди ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилган (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда ННТлар сони<sup>6</sup>**

Нотижорат ташкилотлари ҳам бухгалтерия ҳисобининг муҳим бирлиги саналади. ННТларнинг бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатидаги таснифини қуйидаги 2-расмда келтирамиз:

ННТларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳисобга олиш лозим бўлган бир қанча хусусиятлар мавжуд. ННТларнинг маблағлари фақат устав фаолиятида кўзда тутилган дастурлар, шартномалар, лойиҳалар, тадбирлар ва бошқа кўзда тутилган мақсадларда смета бўйича сарф қилинади. ННТ маблағларини кўзда тутилмаган мақсадларга сарфланиши таъқиқланади. ННТларда қатъий ҳисобдорлик ўрнатилган, ташкилотнинг раҳбарияти уларга ишониб топширилган маблағларнинг фойдаланиш ҳолати тўғрисида ташкилот аъзолари олдида фаолият (бажарилишлар) тўғрисида ҳисобот беради.

<sup>6</sup><http://www.minjust.uz> – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий веб-сайти.



**2-расм. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатидаги таснифи<sup>7</sup>**

Тадқиқотлар асосида ушбу ҳолатларга изоҳ келтирадиган бўлсак, қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси иккинчи хат бошида албатта «ташкилотнинг қатнашчилари (аъзолари) унинг мулкига нисбатан эгалик ҳуқуқига эга эмас»лигига қонуний мақом бериш керак. Бундан ташқари, «даромад (фойда) ҳамда тугатишдан олинган мол-мулк устав фаолиятида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга йўналтиради» деб таъкидланиши мулк ва даромад (фойда)нинг фойдаланиш йўналишлари қонуний асосларини белгилаб беради. Қонуннинг 28-моддасида ҳозирги иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда корхоналар мол-мулки таркибига инновациялар ва НОУ-ХАУлар ҳисобидан ҳиссаси ошиб бораётган «номоддий активлар», қўшимча даромад манбаига айланаётган

<sup>7</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

«инвестициялар», молиявий активлар таркибига кирадиган «дебиторлик қарзлар» ҳамда энг муҳим ва салмоқли модда ҳисобланган «захиралар»ни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу таклифларнинг қонунга киритилиши нодавлат нотижорат ташкилотларида норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга имкон беради.

ННТларда харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлашни бешта босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчи босқичда, даставвал ННТ харажатларини иккита гуруҳга ажратиш керак: Фаолият (тижорат ёки нотижорат) билан боғлиқ бўлган харажатлар; Фаолият (тижорат ёки нотижорат) билан боғлиқ бўлмаган харажатлар. Иккинчи босқичда, фаолият билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган харажатларнинг таркибини белгилаб чиқиш лозим бўлади. Фаолият билан боғлиқ харажатларига ННТларнинг устав фаолияти билан боғлиқ нотижорат фаолияти ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тижорат фаолияти харажатларига ажратиш мумкин. Учинчи босқичда, фаолият билан боғлиқ бўлган харажатларни фаолият даражасига тўғридан-тўғри ва билвосита боғлиқлигини белгилаш керак. Шу боис, фаолият билан боғлиқ бўлган харажатларни фаолият билан бевосита боғлиқ харажатларга ва фаолият билан билвосита боғлиқ харажатларга ажратиш зурур бўлади. Тўртинчи босқичда, фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар нотижорат ва тижорат фаолиятига тақсимлангандан сўнг, ҳар бир фаолиятнинг харажатлари таснифланишини давом эттириш мумкин. Бешинчи босқичда, ННТларда билвосита харажатларни харажатлар объектларига тақсимлаш амалга оширилиши лозим. Бунинг учун эса ҳар бир харажатлар объектлари бўйича тақсимлаш базаларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тақсимлаш базаларини ННТларнинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотларида билвосита харажатларини дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларга «сабаб-оқибат» мезони асосида олиб бориш орқали ҳисоб объектининг таннархи аниқлигини ошириш мумкин бўлади. Билвосита харажатларни тақсимлашда фойдаланиладиган «сабаб-оқибат» мезонидан фойдаланилганда билвосита ўзгарувчи харажатлар таннарх объектига уларнинг юзага келиш сабабларига монанд идентификацияланади. Масалан, дастурлар билан боғлиқ интернет харажатлари ходимларнинг меҳнат соатлари билан ўзгарувчан бўлганлиги сабабли таннарх объектига меҳнат соатларига мутоносиб равишда тақсимланади.

Билвосита харажатлар «сабаб-оқибат» мезони асосида тақсимлангандан сўнг, ҳар бир дастур бўйича жами харажатлар суммаси (объект таннархи) аниқланиши лозим. Аниқланган харажат суммаси тегишли молиялаштириш манбаларидан қопланади.

Тадқиқотлар асосида ҳар бир дастур, лойиҳалар ва тадбирлар бўйича харажатларни таннарх объектига «сабаб-оқибат» мезони асосида

тақсимлашни қуйидаги тартибда амалга оширишни таклиф этамиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Нодавлат нотижорат ташкилотларида билвосита харажатларни таннарх объектларига «сабаб-оқибат» мезони асосида тақсимлаш (минг сўм)<sup>8</sup>**

Харажатлар моддалари	Тақсимлаш асослари (сабаб-оқибат омиллари)	Дастурлар, лойиҳалар ва тадбирлар бўйича			
		А-дастур	Б-дастур	С-тадбир	Жами
Тўғридан-тўғри материал харажатлари	Тўғридан-тўғри объектларга идентификацияланади	15480	20490	25490	61460
Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари	Тўғридан-тўғри объектларга идентификацияланади	25890	30380	15480	71750
Дастурлар доирасида харид қилинган асбоб-ускуналар	Тўғридан-тўғри объектларга идентификацияланади	30890	45250	-	76140
Билвосита материал харажатлари	Дастурлар ва лойиҳалар сметалари бўйича	5890	4020	3085	12995
Билвосита меҳнат харажатлари	Ҳар бир дастурлар ва лойиҳаларда ишлаган билвосита иш соатлари	3890	4890	5085	13865
		973	1223	1271	3467
		3820	4580	2980	11380
Электро-энергия харажатлари, коммунал хизматлар, ижара харажатлари	Меҳнат соатлари	150	180	325	655
Асбоб-ускуналарнинг амортизация, мол-мулк суғуртаси харажатлари, жорий таъмирлаш харажатлари	Дастурларда ва лойиҳаларда фойдаланаётган асбоб-ускуналарнинг қиймати	1250	980	680	2910
Дастурлар билан боғлиқ интернет, алоқа харажатлари	Ходимлар меҳнат соатларига мутоносиб тақсимланади	550	450	350	1350
Дастурлар билан боғлиқ командировка харажатлари, меҳмонхона ва вакиллик харажатлари	Қайси дастурга оидлигига қараб	850	280	520	1650
<b>Жами харажатлар (таннарх объекти қиймати)</b>		<b>89633</b>	<b>112723</b>	<b>55266</b>	<b>257622</b>

Ушбу жадвал асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин. Биринчидан, дастурлар, лойиҳалар, тадбирлар ва бошқа объектлар бўйича тўғридан-тўғри харажатлар тақсимлаб чиқилади. Иккинчидан, билвосита

<sup>8</sup> «Сабр» Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш марказининг 2020 йил маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

харажатлар эса бу барча дастурлар учун умумий бўлган харажатлар бўлиб, улар тақсимлаш «сабаб-оқибат» мезони асосида дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларга тақсимланади. Учинчидан, дастурлар ва лойиҳалар учун харид қилинган асосий воситалар ва номоддий активлар шу лойиҳанинг харажатига киради. Лекин, дастур ва лойиҳа тугагандан кейин, ушбу дастурга харид қилинган асосий воситалар ҳозирги ҳолатида баҳоланиб, ташкилотга асосий восита сифатида кирим қилинади. Бундай ҳолларда унинг қиймати лойиҳа қийматидан чегирилади.

Диссертациянинг «**Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида нодавлат нотижорат ташкилотлари активлари, мажбуриятлари ва ўз маблағлари манбалари ҳисоби, уларга доир ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган бухгалтерия балансида узоқ муддатли активларни акс эттириш тартибини қуйидаги жадвалда келтирамиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия балансида узоқ муддатли активларнинг таркиби бўйича таклифлар<sup>9</sup>

Амалдаги бухгалтерия балансининг шаклида	Сатр коди	Тадқиқотлар асосида таклиф қилинган шаклида	Сатр коди
Асосий воситалар:		Асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати жами, шу жумладан (011+012+013+014+015):	010
Бошланғич қиймат (0100, 0300)	010	Ер, бино ва иншоотлар (010, 0120)	011
Эскириш суммаси (0200)	011	Машина ва асбоб-ускуналар (0130)	012
Қолдиқ (баланс) қиймати (010-011)	012	Транспорт воситалари (ҳаво, сув судалари ва автотранспорт) (0160)	013
		Мебель ва териб қўйиладиган асбоб-ускуналар (0140)	014
		Бошқа асосий воситалар (0190)	015
Номоддий активлар:		Номоддий активлар қолдиқ (баланс) қиймати жами, шу жумладан (021+022+023+024)	020
Бошланғич қиймати (0400)	020	Патентлар, савдо маркалари ва лицензиялар (0410, 0420)	021
Амортизация суммаси (0500)	021	Дастурий таъминот, илмий ишланмаларга харажатлар (0430)	022
Қолдиқ (баланс) қиймати (020-021)	022	Бошқа номоддий активлар (0490)	023
		Гудвилл (0480)	024
		Биологик активлар	110
		Инвестициявий кўчмас мулк	120
<b>1-бўлим бўйича жами (сатр 012 +022 +030 +090+100+110+120)</b>	<b>130</b>	<b>1-бўлим бўйича жами (сатр 010+020+030+070+080+090+100+110+120)</b>	<b>130</b>

<sup>9</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу тасниф асосида амалдаги бухгалтерия балансининг шаклида маълум бир ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ўзгартиришларнинг бир қанча зарурияти мавжуд. Биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларида мол-мулк тўғрисида нафақат умумий маълумотлар, балки уларнинг таркибий қисмлари бўйича ҳам маълумотлар керак бўлади. Бу ахборотлар уларнинг молиявий ҳолатини кенгрок тавсифлайди. 1-сон БҲХС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» стандартининг 78-бандида асосий воситалар 16-сон БҲХС «Асосий воситалар» стандартига мувофиқ турлари (класслари) бўйича деталлаштирилиши лозимлиги кўрсатилган. Бу халқаро стандартнинг талаби. Бугун мамлакатимизда халқаро стандартларга ўтиш жорий қилинаётган экан, демак биз бухгалтерия баланси таркибини ҳам такомиллаштиришимиз лозим. Иккинчидан, амалдаги бухгалтерия балансида айрим моддалар киритилмаган. Масалан, инвестициявий мулклар, узоқ муддатли солиқ активлари ва бошқалар. Сотишга мўлжалланган деб таснифланган узоқ муддатли активлар узоқ муддатли активлар таркибида акс эттирилмаслиги лозим, деб ўйлаймиз.

Амалдаги бухгалтерия балансида мажбуриятларга оид бўлган моддаларнинг таркиби, уларнинг стандартлар талабларига мувофиқлиги бўйича қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин бўлади. Биринчидан, амалдаги шаклда мажбуриятларга оид ахборотларни очиқлаш учун 32 та сатр (490-770) киритилган. Бу бизнинг фикримизча, жуда кўп. Халқаро стандартларда акс эттирилиши лозим бўлган кўрсаткичларга бешта кўрсаткич киритилган. Шу боис, бухгалтерия балансини мажбуриятлар қисмини қисқартириш зарурияти мавжуд. Иккинчидан, амалдаги таркибда стандартда кўзда тутилган таснифлаш қоидаларига риоя этилмаган. Унда қайд қилиниши бўйича мажбуриятлар савдо ва бошқа қарзлар, бошқа молиявий мажбуриятлар, резервлар, солиқ бўйича мажбуриятлар алоҳида қайд қилиниши кўрсатилган. Ушбу тасниф тўлиқ инобатга олинмаган. Учинчидан, солиқлар бўйича мажбуриятларда фойда солиғи бўйича қарздорликни алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари манбаларининг таркибий қисмларини бешта гуруҳга ажратиш таклиф этилди: 1. Устав фондини шакллантириш учун маблағлар – таъсисчилар ва ташкилот аъзоларининг кириш бадаллари ва қўшимча бадаллар асосида шаклланади; 2. Устав фаолиятидаги вазифаларни амалга ошириш учун йўналтирилган маблағлар – мунтазам белгиланган аъзолик бадаллари, мақсадли бадаллар, эҳсонлар, ёрдамлар, меҳр-мурувват маблағлари, донорлик маблағлари ва бошқа маблағлар; 3. Мақсадли вазифаларни амалга ошириш учун молиялаштириш – грантлар, давлат субсидиялари бўйича ёрдамлар ва бошқа мақсадли тушумлар; 4. Тижорат фаолиятидан олинган даромадлар – ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) сотишдан олинган тушумлар; 5. Тижорат фаолиятидан олинган соф фойда – даромадлардан харажатларни чегирилгандан кейинги ташкилот ихтиёрида



қоладиган сумма. Ушбу тавсиялар маблағларни тўғри таснифлаш, ҳисоботлар учун зарур ахборотларни шакллантириш имкониятини беради.

АҚШнинг FAS-117 «Нотижорат ташкилотлари молиявий ҳисоботлари» стандартига мувофиқ нотижорат ташкилотларининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида фондлар тўғрисида қуйидагича маълумотлар берилиши тавсия этилган (3-жадвал):

### 3-жадвал

#### АҚШ стандартларига мувофиқ нотижорат ташкилотларида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда соф активлар (хусусий капитал) акс эттирилиши (минг АҚШ доллари)<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
Соф активлар (мақсадли фондлар):		
Чегараланмаган фондлар (Unrestricted)	115,228	103,670
Вақтинча чегараланган фондлар (Temporarily restricted)	24,342	25,470
Доимий чегараланган фондлар (Permanently restricted)	142,020	137,000
<b>Жами соф активлар (Total net assets) (хусусий капитал)</b>	<b>281,590</b>	<b>266,140</b>

Бизнинг фикримизча, юқоридаги стандартлар талабларидан келиб чиқиб ННТларда хусусий капитални шакллантириш доимий соф активлар ҳисобидан амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз. ННТларнинг соф активлари жами активларидан мажбуриятларини чегириш орқали топилади. Демак, юзага келган сумма хусусий капитални тавсифлайди. Хусусий капитални доимий соф активлар ҳисобидан ташкил этишда ННТларнинг ҳар тури (ташкилий-ҳуқуқий)нинг хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Жамоат бирлашмаларида бир марталик тўланадиган кириш бадаллари ҳамда қўшимча бадаллар ҳисобидан устав фондини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мунтазам тўланадиган аъзолик бадаллари эса мақсадли тушумларга олиб борилади. Кириш бадаллари ва аъзолик бадаллари таъсисчиларга қайтарилмайди. Кириш бадаллари ННТнинг мулкига нисбатан таъсисчиларда мулк ҳуқуқини юзага келтирмайди. Жамоат бирлашмалари хусусий капиталга йўналтирилган маблағлари фақат катъий мақсадига кўра фойдаланиши керак.

Жамоат бирлашмалари ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари хусусий капитални шакллантириш учун қуйидаги сўтни очишни таклиф этамиз: 8331 - «Кириш бадаллари (Жамоат бирлашмалари устав капитали)». Ушбу сўтнинг қўлланилишини қуйидаги жадвалда акс эттирамыз (4-жадвал):

<sup>10</sup> Statement of Financial Accounting Standards No. 117 FAS117 Status Page FAS117 Summary Financial Statements of Not-for-Profit Organizations.8-p. file:///C:/Users/User/Downloads/643\_303\_fas117.pdf

**Жамоат бирлашмаларида устав капиталини шакллантириш бўйича  
асосий бухгалтерия ёзувлари<sup>11</sup>**

Операциянинг мазмуни	Сўётлар корреспонденцияси		Сумма
	Дебет	Кредит	
1. Жамоат бирлашмалари аъзолари томонидан уставада кўзда тутилган устав фондини шакллантириш мақсадида аъзолик ҳуқуқини берадиган ҳамда ташкилот тугатилган тақдирда аъзоларга қайтарилмайдиган бир марталик тўлов миқдори ҳамда қўшимча бадаллар ҳисобланди	4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	8331 «Кириш бадаллари (Жамоат бирлашмалари устав капитали)»	480000000
2. Кириш бадаллари жамоат бирлашмалари аъзолари томонидан тўлови амалга оширилганда.	5110 «Ҳисобкитоб сўёти»	4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	480000000

Хайрия фондларида аъзолик бадаллари бўлмади. Унинг таъсисчилари томонидан устав фондига маблағлар киритилади. Шу сабабли, хайрия фондларининг устав капиталини 8330 - «Пай фонди ва улушлар» сўётида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ассоциациялар ва иттифоқларда устав капиталини ташкил этиш кўзда тутилмаган. Шу боис, ушбу ташкилотларнинг барча харажатлари мунтазам келиб тушадиган аъзолик бадаллари ҳисобидан қопланади. Лекин, ушбу ташкилотларда асосий воситалар, номоддий активлар, инвестициявий мулклар ва бошқа узоқ муддатли активлар учун фонд яратилиши керак бўлади. Бу фондни қуйидаги сўётда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: 8332 - «Ассоциациялар ва иттифоқларда асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар учун фондлар».

Ахборот фойдаланувчиларнинг манфаатларига уйғун бўладиган ахборотларни жамлаш учун даставвал унга мувофиқ келадиган сўётларни тақдим этиш лозим. Амалдаги сўётлар режасида уставдаги вазифаларни бажариш мақсадида мақсадли тушумларни ҳисобга олиш учун сўётлар режасида 8830 - «Аъзолик бадаллари» сўёти кўзда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, 8830 - «Аъзолик бадаллари» сўёти нотижорат ташкилотларининг устав вазифаларини бажаришлари учун келиб тушадиган барча мақсадли тушумларни қамраб олмаган. Шу боис, ННТлари натижадорлигини баҳолаш мақсадида тушумларнинг таркибига доир ахборотларни шакллантириш учун қуйидаги ишчи сўётларни киритишни таклиф этамиз (5-жадвал):

<sup>11</sup> Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгашининг 2020 йил маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари устав фаолиятига йўналтирилган мақсадли тушумларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар<sup>12</sup>**

Счёт рақами	Счётнинг номи	Счётнинг мўлжалланганлиги
8830	«Нотижорат ташкилотларида мажбурий аъзолик бадаллари»	Нотижорат ташкилотининг устав вазифаларини бажаришлари учун умумий йиғилишида суммаси белгиланган, унинг аъзолари ҳисобланган юридик шахслар, жисмоний шахслар томонидан бир марталик ва мунтазам тўланадиган маблағларни ҳисобга олиш
8840	«Нотижорат ташкилотларида ихтиёрий бадаллар»	Нотижорат ташкилотлари устав вазифаларини бажаришлари учун унинг аъзолари ёки аъзолиги бўлмаган шахслар томонидан бир марталик ва кўп марталик ихтиёрий бадалларни ҳисобга олиш
8850	«Нотижорат ташкилотларида мақсадли бадаллар»	Нотижорат ташкилотлари устав вазифаларини бажаришлари учун унинг аъзолари ёки аъзолиги бўлмаган шахслар томонидан мақсадли вазифаларни амалга оширишлари учун бадалларни ҳисобга олиш
8860	«Хайр-эҳсонлар, ёрдамлар, меҳр-мурувват, донорлик ва маблағлари»	Мутлоқа ихтиёрийлик асосида ҳаммага билдириб ёки билдирмай қилинадиган хайр-эҳсонлар, жумладан, закот, фитр, садақа-эҳсонлар, бошқа эҳсонлар, кўнгиллик асосида ташқи ва ички ҳомийлар томонидан беғараз кўмак кўринишида катта суммада амалга ошириладиган ва қайтарилмайдиган доимий донорлар ҳамда бошқа кўнгилликлар томонидан бериладиган ёрдам маблағларни ҳисобга олиш

Ушбу счётларнинг амалий мисолларда қўлланилишини қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз (6-жадвал).

Нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишидан мақсад устав фаолиятини молиялаштиришни яхшилаш учун доимий маблағ манбаига эга бўлиш бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойда таъсисчилар ўртасида тақсимланмасдан, балки ўз маблағларини манбасини кенгайтиришга йўналтирилади. Шу боис, тақсимланмаган фойда мақсадли йўналтирилганлиги боис, тақсимланмаган фойда суммасини 8710 - «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётидан таклиф этилаётган 8871 - «Тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойда» счётига ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

<sup>12</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари устав фаолиятига йўналтирилган  
мақсадли тушумларни ҳисобга олишда бухгалтерия ёзувлари<sup>13</sup>**

Операцияларнинг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
	Дебет	Кредит	
1. Устав фаолиятидаги вазифаларни бажаришлари учун нодавлат нотижорат ташкилотининг аъзоларига уставда белгиланган мажбурий аъзолик бадалларининг суммаси ҳисобланганда	4620	8830	280000000
2. Нотижорат ташкилотлари таъсисчилари ва аъзолари томонидан мажбурий аъзолик бадаллари суммаси келиб тушганда	5010, 5020 5110, 5210	4620	255000000
3. Нотижорат ташкилотлари устав вазифаларини бажаришлари учун унинг аъзолари ёки аъзолиги бўлмаган шахслар томонидан бир марталик ва кўп марталик ихтиёрий бадаллар киритилганда	5010, 5020 5110, 5210	8840	48000000
4. Нотижорат ташкилотлари устав вазифаларини бажаришлари учун унинг аъзолари ёки аъзолиги бўлмаган шахслар томонидан мақсадли бадаллар суммаси келиб тушганда	5010, 5020 5110, 5210	8850	25000000
5. Кўнгиллик асосида ташқи ва ички ҳомийлар томонидан беғараз кўмак кўринишида катта суммада амалга ошириладиган ва қайтарилмайдиган доимий донорлар ҳамда бошқа кўнгилликлар томонидан бериладиган ёрдам маблағлари, мутлоқ ихтиёрийлик асосида ҳаммага билдириб ёки билдирмай қилинадиган хайр-эҳсонлар, жумладан, закот, фитр, садақа-эҳсонлар ёки бошқа эҳсонлар суммаси келиб тушганда	5010, 5020 5110, 5210	8860	112400000

Диссертациянинг «Нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисобот ва аудитининг методологик асосларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида нодавлат нотижорат ташкилотларида «бажарилишлар-смета-четланишлар» яхлит занжири бўйича мақсадли тушумларнинг бажарилишига оид ҳисоботларни тузиш, сметалардан четланишларни аниқлашнинг аудиторлик услубиётини шунингдек, мулкӣ ва молиявий ҳолати аудиторлик таҳлилининг такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

ННТлар устав вазифаларини бажарилиши асосан мақсадли тушумлар ҳаракати (кирими ва чиқими) билан боғлиқ. ННТларда айнан мақсадли тушумлар қандай манбалар ҳисобидан шаклланганлиги ва уларнинг мақсадли ишлатилиши тўғрисида бажарилишларга оид ахборотларни ўзида жамловчи ҳисобот шаклига зарурат мавжуд. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, «бажарилишлар-смета-четланишлар» яхлит занжири асосида барча ННТлар учун махсус «Мақсадли тушумларнинг бажарилишига оид ҳисобот» шаклини

<sup>13</sup> Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгашининг 2020 йил маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу ҳисоботни қуйидаги шакл ва мазмунда тузиш тавсия этилади (7-жадвал):

ННТларда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардаги каби молиявий-хўжалик фаолияти аудитини ўтказиш кетма-кетлиги бошланғич ҳисоб ҳужжатларидан бошлаб молиявий ҳисобот маълумотларигача ёки аксинча тартибда ўтказилиши мумкин. Аксарият адабиётларда ҳар иккала усул тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган.

#### 7-жадвал

### «Бажарилишлар-смета-четланишлар» яхлит занжири асосида мақсадли тушумларнинг бажарилишига оид ҳисобот (минг сўм)<sup>14</sup>


